



AN IMPORTANT STEP FOR AN INCLUSIVE SOCIETY: FACTORS FOR FORMING THE INCLUSIVE POTENTIAL OF PEOPLE WITH DISABILITIES

Makhmanazarova Malika Anvarovna

UzSWLU, Faculty of International Journalism, Teacher of the
Department of Political Science, Researcher of UzSWLU
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15704779>

ARTICLE INFO

Received: 15th June 2025
Accepted: 19th June 2025
Online: 20th June 2025

KEYWORDS

Inclusive culture, corporate culture, public opinion, relief contour maps, Braille alphabet, UShIFT program, preference, inclusive classes, diversity and inclusion (D&I), inclusive potential.

ABSTRACT

This article reveals the impact of inclusive policies on the social life of society, as well as the positive results of improving the system of social services and assistance. Also, the factors of ensuring the full participation of persons with disabilities in social life, realizing their potential and forming inclusive potential in the path of building an inclusive society are analyzed. In particular, such key social factors as education, employment, healthcare, infrastructure and accessibility of information technologies are considered. The article emphasizes the need for a regulatory framework that ensures the rights and freedoms of persons with disabilities, changing public consciousness, combating discrimination and conducting inclusive policies.

ВАЖНЫЙ ШАГ ДЛЯ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБЩЕСТВА: ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИНКЛЮЗИВНОГО ПОТЕНЦИАЛА ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ

Махманазарова Малика Анваровна

УзГУМЯ, факультет международной журналистики, преподаватель кафедры
политических наук, исследователь УзГУМЯ
osiyoazizovna@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15704779>

ARTICLE INFO

Received: 15th June 2025
Accepted: 19th June 2025
Online: 20th June 2025

KEYWORDS

Инклюзивная культура, корпоративная культура, общественное мнение, рельефно-контурные карты, шрифт Брайля, программа УШИФТ, преференция, инклюзивные классы,

ABSTRACT

В статье раскрывается влияние инклюзивной политики на социальную жизнь общества, а также положительные результаты совершенствования системы социальных услуг и помощи. Также были проанализированы факторы, обеспечивающие полноценное участие лиц с ограниченными возможностями в общественной жизни, реализацию их потенциала и формирование их инклюзивного потенциала в целях построения инклюзивного общества. В частности, рассматриваются ключевые социальные факторы, такие как образование, занятость, здравоохранение, инфраструктура и доступ к информационным технологиям. В статье подчеркивается необходимость создания нормативно-правовой базы,



разнообразия и обеспечивающей права и свободы лиц с ограниченными возможностями, изменения общественного сознания, инклюзивный потенциал. борьбы с дискриминацией и проведения инклюзивной политики

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ: НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ИНКЛЮЗИВ ПОТЕНСИАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Махманазарова Малика Анваровна

ЎзДЖТУ, Халқаро журналистика факультети,
Сиёсий фанлар кафедраси ўқитувчиси, ЎзДЖТУ тадқиқотчиси
osiyoazizovna@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15704779>

ARTICLE INFO

Received: 15th June 2025

Accepted: 19th June 2025

Online: 20th June 2025

KEYWORDS

Инклюзив маданият,
корпоратив маданият,
жамоатчилик фикри,
рельефли контур
хариталар, Брайл
алифбоси, УПШИФТ
дастури, преференция,
инклюзив синфлар,
хилма-хиллик ва
инклюзия, инклюзив
потенциал.

ABSTRACT

Мазкур мақолада инклюзив сиёсатнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсири, ҳамда ижтимоий ҳизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилишининг ижобий натижалари очиб берилган. Шунингдек, инклюзив жамият барпо этиш йўлида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда инклюзив потенциални шакллантириш омиллари таҳлил қилинган. Хусусан, таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, инфратузилма ва ахборот технологияларининг қулайлиги каби асосий ижтимоий омиллар кўриб чиқилади. Мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база, жамоатчилик онгини ўзгартириш, дискриминацияга қарши курашиш ва инклюзив сиёсат юритиш зарурлиги таъкидланган.

КИРИШ (INTRODUCTION)

Инклюзивлик – бу жамиятнинг барча аъзоларини, уларнинг келиб чиқиши, жинси, ирқи, динидан қатъий назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар билан таъминлашга қаратилган ёндашувдир. Инклюзив жамият - бу инсонларнинг, уларнинг фарқларига қарамасдан, жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиши учун шароит яратилган жамиятдир. Инклюзивлик – бу инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва барча одамларнинг кадр-қимматини эътироф этишга асосланган муҳим тамойилдир.

Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳаётини тўлақонли ташкил этиш масалалари Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси 2021-йили БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ратификация қилди ва 2023–2025-йилларга мўлжалланган миллий Ҳаракат режасини тасдиқлади. Бунга кўра, 2023 йил 28 июлда



Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг дастлабки миллий маърузаси БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитасига топширилганлиги таъкидланди.

Ушбу халқаро семинарда Германия, Россия, Арманистон, Грузия, Украина, Молдова, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби бир қатор хорижий давлатларнинг ногиронлиги бўлган шахслар жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Амалга оширилган форум натижасида ногиронлар ташкилотлари ўртасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг яна бир муҳим босқичи амалга оширилди. Бўлиб ўтган семинар хулосаларига кўра, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича тажриба ва амалиётлар ўганилди [1].

Қонун ҳужжатлари ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган корхоналарга солиқ имтиёзлари ва преференциялар берди. Умуман олганда, қонунчиликнинг такомиллашиши, интеграциялашган ижтимоий хизматлар тармоғи ва халқаро ҳамкорликдаги кенг қўламли лойиҳалар Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янги босқичга олиб чиқмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса — “инсон қадр” тамойилига таянган ҳолда, ҳар бир фуқаронинг жамият ҳаётида тенг ва фаол иштирокини тўлиқ таъминлашдир.

Шунингдек, 2024-йил 19-октябрда “Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш қўлами ва турларини кенгайтиришга эътибор кучайди, – деди Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов [2]. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи тузилма – Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

МЕТОДЛАР (METHODS)

Тадқиқотнинг статистик усуллари орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив имкониятлари ва жамиятдаги ўрни ҳақида аниқ рақамли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бу метод ёрдамида турли омилларнинг (таълим даражаси, жамиятдаги қўллаб-қувватлаш даражаси, ижтимоий ва иқтисодий ҳолат) инклюзив потенциалга таъсирини ўрганиш мумкин. Сўнги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив потенциалини шакллантиришга қаратилган статистик таҳлил асосидаги тадқиқотлар бир қатор муҳим натижаларни тақдим этмоқда. Хусусан, куйида 2023–2024 йилларда амалга оширилган баъзи тадқиқотлар ва уларнинг асосий хулосаларига кўра: Жисмоний ногиронлиги бўлган 85 кишидан иборат намунада, ижтимоий иштирок ва шахсий фаровонлик даражаси ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, аёллар, бева ёки турмушга чиқмаганлар, ишсизлар ва неврологик ногиронлиги бўлганлар ўз ижтимоий иштирокини пастроқ баҳолаган. Шунингдек, мустақил ҳаракатланувчилар гуруҳининг ижтимоий иштирок даражаси бошқа гуруҳларга қараганда пастроқ бўлган. Мултивариат таҳлил ёрдамида ижтимоий иштирокни



белгилорчи омилар аниқланган. Бу тадқиқот ногиронлиги бўлган одамларнинг ижтимоий иштирокини ошириш учун статистик таҳлилнинг аҳамиятини кўрсатади.

Филиппинда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ногиронлиги бўлган одамларнинг тадбиркорлик салоҳияти ва иштироки ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, иштирокчилар ўртача даражада тадбиркорлик салоҳиятига эга бўлган ва иштирок даражаси ўртача бўлган. Тадқиқотда ёш ва фуқаролик ҳолати каби омилар билан боғлиқ статистик алоқалар аниқланган. Бу тадқиқот ногиронлиги бўлган одамларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ошириш учун статистик таҳлилнинг муҳимлигини кўрсатади.

Шунингдек, 2023-йилда амалга оширилган сифатли мета-таҳлилда, ногиронлиги бўлган одамларнинг ижтимоий инклюзиясини таъминлаш учун жамиятнинг муносабати, меъёрлари ва бошқарувни англаш каби омилар ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, жамиятнинг норматив муносабатлари ногиронлиги бўлган одамларнинг ижтимоий иштирокига таъсир кўрсатади. Бу тадқиқот ногиронлиги бўлган одамларнинг ижтимоий инклюзиясини ошириш учун статистик таҳлилнинг аҳамиятини кўрсатади.

Юқоридаги тадқиқотлар ногиронлиги бўлган одамларнинг инклюзив потенциални шакллантиришда статистик таҳлилнинг муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Мултивариат регрессия таҳлили, кросс-секцияли тадқиқотлар ва сифатли мета-таҳлиллар ёрдамида ногиронлиги бўлган одамларнинг ижтимоий иштирокини оширишга қаратилган самарали стратегиялар ишлаб чиқиши мумкин. Бу тадқиқотлар ногиронлиги бўлган одамларнинг жамиятдаги ўрни ва имкониятларини яхшилашга ёрдам беради. Ушбу методлар ёрдамида ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив потенциални шакллантириш омилари ҳақида мукамал ва тўлиқ маълумотлар олиш мумкин. Бу методларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятларига эга бўлиб, тадқиқотнинг ҳар томонлама, аниқ ва чуқур ўрганилишига ёрдам беради.

НАТИЖА (RESULTS)


Махсус муассасаларни босқичма-босқич модернизация қилиш билан бирга, умумтаълим мактабларида инклюзив синфлар сони кўпайди. Соғлиқни сақлашда эрта диагностика, протез-ортопедия ва реабилитация воситаларини бепул тақдим этиш тизими жорий этилди. Хусусан, бепул тақдим этиладиган воситалар рўйхати 18 тадан 30 тага оширилди. Маҳсулотларни харид қилиш қийматлари 3 баробардан 10 баробаргача оширилди. Воситаларни онлайн платформалардан танлаб олиш ва уйгача етказиб бериш хизматлари йўлга қўйилди. Ногиронларни реабилитация қилиш марказларида жорий йилда 27 000 шахс реабилитация курсларидан ўтди. 2024-йилда 952 та мактабда 1511 та инклюзив синфлар ташкил этилиб, уларга 2201 нафар ўқувчилар жалб қилиниб ўтган йилга нисбатан қамраб олинган болалар сони 1,7 (бир бутун ўнда етти) баробар оширилди [3]. 2025-йил апрел ойида 7 802 нафар фуқарога ижтимоий тўловлар тайинлаб берилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан 2025-йил апрел ойида пенсия тайинлаш учун иш стажига эга бўлмаган 7 802 нафар фуқарога нафақа, моддий ёрдам ва компенсация пул тўловлари тайинлаб берилди. Жумладан:

- 1 119 нафар фуқарога – ёшга доир нафақа;

- 2 694 нафар фуқарога – ногиронлик нафақаси;
- 710 нафар оилага – боқувчисини йўқотганлик нафақаси;
- 2 098 нафар фуқарога – ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси;
- 912 нафар фуқарога – парваришlash нафақаси;
- 228 нафар фуқарога - ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдам;
- 41 нафар фуқарога - уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари тайинлаб берилди.

2025-йилнинг II чорагида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлари томонидан 1 миллион 573 мингдан ортиқ фуқаро қамраб олиниб, марказлар бутун республика бўйлаб кенг кўламли ижтимоий кўмакни таъминловчи тизим сифатида ўз фаолиятини самарали давом эттирди. Жами қабул қилинган мурожаатлардан 1 млн 238 мингтаси ариза сифатида шакллантирилиб, уларнинг 751 мингдан ортиғига хизмат кўрсатиш яқунланди. Бу марказда ногиронлиги бўлган шахслар учун 32 турдаги хизматлар йўлга қўйилиб, барча марказларда қулай муҳит яратилди. [4].



ТАВСИЯ ВА ХУЛОСА (ACKNOWLEDGEMENTS)

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, инклюзив жамият ривожланишига ўз ҳиссасини қўшаётганлар ҳамда имкониятларнинг чегарасизлигини исботлаган инсонлар – қахрамонлар ва аслида улар орамизда. Баъзан уларни сезмаймиз ҳам. Лекин уларнинг матонати ва чексиз шижоати ҳар биримизни ҳайрон қолдиради. Янги Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларга – улар эркакларми, аёлларми ёки болаларгами қатъий назар барча-барчасига аввало давлат томонидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан, қолаверса жамият томонидан етарлича эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг инсон қадрини улуғлашдек юксак инсонпарварлик тамойилларига уйғунлашган давлатнинг ижтимоий сиёсати ва ижтимоий соҳадаги ислохотлари Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этиш каби эзгу ниятлар рўёбга чиқаришда муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож




болаларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш, ҳаётга ижтимоий мослашувини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси сиёсати даражасига кўтарилган. Бу масала бир қатор мутахассислар – педагоглар, психологлар, ижтимоий ходимлар, ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари диққат-эътиборида. Улар боланинг ижтимоий мослашувида келиб чиқаётган муаммоларни ўрганиб, ҳамкорликда муаммолар ечимини топишмоқда [5;68].

МУҲОКАМА (DISCUSSION)

Ҳар томонлама ривожланган соғлом авлодни тарбиялаш ҳар бир давлатнинг ўта долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Исталган давлатнинг келажаги, унинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши ўсиб келаётган авлоднинг тарбияси қаерда ва қандай амалга оширилиши, бола шахсининг қай тарзда шаклланаётганлигига боғлиқдир. Шундай экан, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятда эркин ҳаракат қилишлари, таълим олишлари, ишлашлари учун уларга махсус шароитлар бўлиши лозим. Баъзи жамиятлар ногиронлиги бўлган шахслар учун етарлича шароит яратиш бермаслиги оқибатида улар жамиятдан узилиб қоладилар. Шунингдек, жамиятга интеграция қилишлари учун етарлича имкониятга эга бўлмайдилар. Мана шундай қийин вазиятни осонлаштириш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун давлат, ҳуқуқ, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва оила каби ижтимоий институтлар фаолият кўрсатадилар.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим хизматларининг мавжудлигини чеклаш таълим институтининг барча элементларига таъсир қилади. Жумладан, ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий база, таълим муассасаларининг инфратузилма жиҳозлари, махсус ўқув дастурларининг мавжудлиги, профессор ўқитувчиларнинг ихтисослаштирилган тайёргарлиги. Таълим соҳасида: 2025 йилга бориб Ўзбекистон мактабларининг камида 51 фоизини инклюзивликка эришишни мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, болалар учун хавфсиз ва инклюзив таълим муҳитини яратиш давлат ва жамият ривожланишининг устувор йўналишларидан биридир. Ушбу мақсадлар учун 3 йил давомида 600 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ жалб этилиши режалаштирилган [6;49]. 2025-йил якунига қадар 80 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг барқарор бандлиги ва муносиб даромад топишини таъминлаш кўзланган.





References:

1. “BMTning Nogironlar huquqlari to‘g‘risidagi konvensiyasini amalga oshirishda xalqaro hamkorlik” URL: <http://www.insonhuquqlari.uz/oz/news/m11715>
2. URL: <https://ihma.uz/uz/news-category/upshift-ozbekistonda-yoshlar-tashabbuslaridan-olti-nafari-oz-goyalarini-amalga-oshirish-uchun-grant-oladi/>
3. Ijtimoiy himoya milliy agentligi rasmiy telegram kanali. Nogironligi bo‘lgan shaxslarning ijtimoiy himoyasi va inklyuziv rivojlanish yo‘lida O‘zbekistonda yaratilayotgan sharoitlar. URL: https://t.me/ijtimoiyhimoya_official
4. Ijtimoiy himoya milliy agentligi rasmiy telegram kanali. 2025 yilning I choragida inson ijtimoiy xizmatlar markazlariga ijtimoiy xizmat va yordamlar uchun kelib tushgan arizalar yuzasidan amalga oshirilgan ishlar yuzasidan. URL: https://t.me/ijtimoiyhimoya_official
5. XXI asrda sotsiologiya va ijtimoiy ishning dolzarb muammolari. Davriy to‘plam 3 qism. Toshkent “Universitet” 2019, 68-bet.
6. Ijtimoiy davlatda inklyuziv yondashuv imkoniyatlari mavzusidagi ilmiy-nazariy konferensiya materiallari to‘plami, 2024-yil 3 aprel.